



БОЛАЛАРДА COVID-19 НИНГ КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК КЕЧИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Элмуродова А.А.

Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро Давлат тиббиёт институти Бухоро, Ўзбекистон

✓ Резюме

Ушбу клиник тадқиқот болаларда COVID-19 турли озирликдаги кечишининг ўзига хос хусусиятлари ва ушбу ҳолатда аллергия статуснинг касаллик намоён бўлишидаги таъсирини баҳолашни мақсад қилган. Тадқиқотда 2021 йил ноябр ойидан 2022 йил февраль ойи давомида Бухоро вилояти юқумли касалликлар шифохонасида коронавирусли инфекция таъхиси билан ётиб даволанган 65 нафар бемор болалар ўрганилди. Ўрганилаётган 65 нафар беморнинг кўп қисмини ўғил болалар ташкил қилади (58%-ўғил бола (n=38), 42%-қиз бола (n=27)). Бемор болаларнинг аксарияти касалликни оила аъзоларидан юқтириб олган. Иситма (43,4%) ва қуруқ йўтал (44,5%) оддий симптом кўринишида кузатилиб, диарея, қоринда дискомфорт ҳисси ва қусиш каби ошқозон-ичак тракти функциясининг бузилиш ҳолатлари 11% ни ташкил қилади. Анамнезида аллергия статуси бўлган ва аллергия статусга эга бўлмаган болалар ўртасида COVID-19 билан касалланиш, унинг клиник кечиш хусусиятлари, лаборатория ва иммунологик маълумотлар бўйича деярли тафовутлар аниқланмади.

Калит сўзлар: COVID-19, болалар, клиник белгилар, аллергия статус

ОСОБЕННОСТИ КЛИНИКО-ИММУНОЛОГИЧЕСКОГО ТЕЧЕНИЕ COVID-19 У ДЕТЕЙ

Элмуродова А.А.

Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сино Бухара, Узбекистан

✓ Резюме

Данное клиническое исследование было направлено на оценку особенностей течения COVID-19 у детей разной степени тяжести и влияние аллергологического статуса на манифестацию заболевания в данном случае. В ходе исследования обследовано 65 детей, госпитализированных с диагнозом коронавирусная инфекция в Бухарскую областную инфекционную больницу с ноября 2021 года по февраль 2022 года. Большинство из 65 обследованных пациентов были мальчиками (58% — мальчики (n = 38) и 42% — девочки (n = 27)). Большинство больных детей заразились от членов семьи. В качестве общих симптомов наблюдались лихорадка (43,4%) и сухой кашель (44,5%), при этом на долю желудочно-кишечной дисфункции, такой как диарея, дискомфорт в животе и рвота, приходилось 11%.

Различий в заболеваемости COVID-19, его клиническом течении, лабораторных и иммунологических данных среди детей с аллергологическим анамнезом и неаллергическим статусом практически не было.

Ключевые слова: COVID-19, дети, клинические признаки, аллергический статус

CLINICAL-IMMUNOLOGICAL TRANSITION FEATURES OF COVID-19 IN CHILDREN

Elmuradova A.A.

Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali ibn Sino. Uzbekistan

✓ *Resume*

Aim: This clinical study aimed to evaluate the specific features of different course of COVID-19 in children and the effect of allergic status on the manifestation of the disease in this case. The study examined 65 children who were hospitalized with a diagnosis of coronavirus infection at the Bukhara Regional Infectious Diseases Hospital from November 2021 to February 2022. The majority of the 65 patients studied were boys (58% were boys (n = 38) and 42% were girls (n = 27)). Most of the sick children contracted the disease from family members. Fever (43.4%) and dry cough (44.5%) were observed as common symptoms, with gastrointestinal dysfunction such as diarrhea, abdominal discomfort, and vomiting accounting for 11%. There were almost no differences in the incidence of COVID-19, its clinical course, laboratory and immunological data among children with a history of allergy and non-allergic status.

Key words: COVID-19, children, clinical signs, allergic status

Долзарблиги

Коронавирусли инфекция касаллигининг 2019 йилдаги пандемияси (COVID-19), оғир ўткир респиратор синдром коронавирус инфекцияси (SARS-CoV-2) томонидан чакирилган бўлиб, сўнгги пайтда кенг таъсир доирасига эга бўлиб бормокда [1,2]. Ҳозирги вақтда COVID-19 касаллиги белгиларининг мултисистемали тарзда пайдо бўлиши мутлак исботланган. Янги коронавирус SARS-CoV-2 дастлаб Хитойнинг Ухан шаҳрида тарқалган бўлиб, касалликни ҳайвонлардан (кўршапалак) тарқалганлиги тахмин қилинади. Хитой касаллик профилактикаси ва назорат маркази кузатувларига кўра, COVID-19 инфекцияси эпидемияси 2,2% ҳолатларда 19 ёшгача бўлган фуқароларда, асосан- 10 ёшдан катта болаларда кузатилган. 18 ёшгача бўлган беморлар орасида касаллик белгилари бирмунча кам, яъни 0,25% ни ташкил қилган [3,4,5]. Касалликнинг клиник кечиши ва унинг асоратлари таҳлил қилинганда болалар ўлими кўрсаткичи камлан-кам тилга олинади [6,7]. Европа давлатларида ҳам болалар популяцияси орасида касалланиш юқори эмас [8,9,14]. Кузатув натижаларига асосан, Швецарияда барча COVID-19 билан касалланганлар орасида 10 ёшгача болалар – 0,4%, 10-19 ёшлилар 2,6% ни ташкил қилади [10,11]. Ҳозирги вақтда турли давлатлардаги тадқиқодлар шуни кўрсатдики, болалар ёшидаги беморларда инфекциянинг кам белгилари манифестацияси асосий хусусият ҳисобланади [12,13].

Илмий тадқиқот мақсади: Ушбу клиник тадқиқот болаларда COVID-19 турли оғирликдаги кечишининг ўзига хос хусусиятлари ва ушбу ҳолатда аллергик статуснинг касаллик намоён бўлишидаги таъсирини баҳолашни мақсад қилган.

Материал ва усуллар

Ушбу тадқиқотда 2021 йил ноябр ойидан 2022 йил февраль ойи давомида Бухоро вилояти юқумли касалликлар шифохонасида коронавирусли инфекция таъхиси билан ётиб даволанган 65 нафар бемор болалар ўрганилди. Бемор болаларнинг ётиб даволанган вақтидаги объектив ҳолати, касаллик тарихи, демографик маълумотлар, касалликнинг клиник кўриниши, ҳамроҳ касалликлар, лаборатор ва иммунологик таҳлили натижалари ҳамда ўпка рентгенологик тасвирлари умумлаштирилди ва таҳлил қилинди. Барча беморларда SARS-CoV-2 инфекцияси лаборатор тасдиқланган (жорий вақтда SARS-CoV-2 учун махсус бўлган ПЗР натижалари мусбат). Умумий қон таҳлилида лейкоцитлар (WBC), лимфоцитлар (LYM), мононуклеарлар (MONO), нейтрофиллар (NEU) аниқланган. Қон биокимёвий таҳлили параметрлари: аспартатаминотрансфераза (АСТ), аланинаминотрансфераза (АЛТ), глюкоза (GLU), мочевино, креатинин ва С-реактив оқсил (СРБ) кабилар автоматик биохимик анализатор MINDRAY BC – 30 (Хитой) ускунаси ёрдамида аниқланган.

Натижа ва таҳлиллар

2 ойликдан 18 ёшгача бўлган беморлар ўртасида ёш бўйича медиана 6 ёшни ташкил қилади. Ўрганилаётган 65 нафар беморнинг кўп қисмини ўғил болалар ташкил қилади (58%-ўғил бола (n=38), 42%-қиз бола (n=27)). Бемор болаларнинг аксарияти касалликни оила аъзоларидан юқтириб олган. Иситма (43,4%) ва куруқ йўтал (44,5%) одатий симптом кўринишида кузатилиб, диарея, қоринда дискомфорт ҳисси ва қусиш каби ошқозон-ичак тракти функциясининг бузилиш ҳолатлари 11% ни ташкил қилади. 71,4% бемор болаларнинг кўкрак қафаси компьютер томографиясида аномал тасвирларни кузатиш мумкин, беморлар қабул қилинганда “хиралашган шиша” ва маҳаллий доғ соялари пневмониянинг типик белгилари сифатида рўйхатга олинган. Лаборатор кўрсаткичларларнинг асосий қисми меъерий даражада бўлиб, фақат лимфопения (4,1%) и эозинопения (27,3%) ларнинг кичик нисбати мавжуд эди. Инфицирланган бемор болаларнинг аксариятида (87,8%) касалликнинг энгил ва ўрта оғир кечиши, 9 нафариди (13,2%) инфекция белгиларсиз шаклда учраши кузатилди. Касалланган болаларнинг аксариятида (97,8%) касаллик энгил кечган, уларнинг 24 тасида (13,2%) эса белгиларсиз кечган.

Пневмониясиз Pnevmoniyasiz (белгиларсиз ва юқори нафас йўллариининг ўткир инфекцияси бўлган) болалар билан солиштирганда пневмония билан оғриган беморларда қўшма касалликларнинг учраш нисбати кўпроқ бўлган. Анамнезида иситма ва йўтал белгилари, шунингдек, қон ардобиди прокалцитонин, фосфатаза гидроксиди ва интерлейкинлар миқдорининг кўтарилиши (IL-2, IL -4, IL -6, IL -10 ва TNF-а) кузатилган. Даволашда ва касалхонада бўлиш муддати, нуклеин кислотасининг биринчи ижобий тестидан манфий натижа бўлган вақт ва енгил пневмония билан оғриган ва пневмониясиз болалар ўртасидаги натижаларда фарқ кузатилмади. COVID-19 билан касалланган 3 нафар аллергия анамнезга эга бўлган болаларда асосий касаллик аллергия ринит (83,7%), дори аллергияси, атопик дерматит, озик-овқат аллергияси ва астма намоён бўлган.

Аллергия бўлмаган гуруҳлар ўртасида демографик ва клиник хусусиятлар сезиларли даражада фарқ қилмади. Аллергия билан оғриган беморларда ўткир фаза реагентлари, прокалцитонин, D-димер ва аспартаминотрансфераза даражаси барча беморларга нисбатан камроқ ошган. Иммунологик профиллар, шу жумладан айланма Т-, В- ва НК- лимфоцитларининг субпопуляциялари, умумий иммуноглобулин ва комплемент даражалари ва зардоб цитокинлари аллергия ва пневмония гуруҳлари ўртасида фарқ йўқлигини кўрсатди. Эозинофиллар кўрсаткичи ҳам, зардобдаги умумий иммуноглобулин E (IgE) даражаси ҳам бошқа иммуноглобулинлар, комплементлар, лимфоцитлар миқдори ва зардоб цитокинлар даражаси каби бошқа иммунологик параметрлар сингари сезиларли боғлиқлик кўрсатмади, прокалцитонин, D-димер ва аспартаминотрансфераза даражаси барча беморларда ўрганилган.

Хулоса

Болаларда COVID-19 билан касалланган беморлар енгил клиник кечилга мойил бўлади. Пневмония билан оғриган беморларда пневмония кузатилмаган беморларга қараганда иситма ва йўталнинг юқори нисбати, шунингдек, яллиғланиш биомаркерларининг юқори кўрсаткичлари аниқланганини кўриш мумкин. Анамнезида аллергия статуси бўлган ва аллергия статусга эга бўлмаган болалар ўртасида COVID-19 билан касалланиш, унинг клиник кечил хусусиятлари, лаборатория ва иммунологик маълумотлар бўйича деярли тафовутлар аниқланмади. Аллергия SARS-CoV-2 инфекциясининг ривожланиши ва болаларда COVID-19 касаллигининг кечил оғирлиги учун хавф омили сифатида деярли таъсир кўрсатмайди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Русинова Д.С., Никонов Е.Л., Намазова-Баранова Л.С., и др. Первые результаты наблюдения за детьми, переболевшими COVID-19 в Москве. Педиатрическая фармакология. 2020; 17 (2): 95–102. doi: 10.15690/pf.v17i2.2095
2. Huang C., Wang Y., Li X., et al. Clinical features of patients infected with 2019 novel coronavirus in Wuhan, China. Lancet. 2020;395(10223):497–506. doi: 10.1016/S0140-6736(20)30183-5
3. Zimmermann P., Curtis N. Coronavirus infections in children including COVID-19: an overview of the epidemiology, clinical features, diagnosis, treatment and prevention options in children. //Pediatr Infect Dis J. 2020;39(5):355–368.
4. Niyazov G.E., Oblokulov A.R., Pondina A.I., Badiyeva B.M., Shadiyeva N.Sh., Clinical and epidemiological characteristics of covid-19 patients //New Day in Medicine 4(32)2020 678-681 <https://cutt.ly/jz5Y0Ew>
5. Zhang Y.P. The epidemiological characteristics of an outbreak of 2019 novel coronavirus diseases (COVID-19) in China. //Chin J Epidemiol. 2020. P.145–151.
6. Oblokulov A.R., Niyozov G.E. (2020). Clinical and epidemiological characteristics of patients with COVID-19 //International Journal of Pharmaceutical Research, 12 (4), pp. 3749-3752.
7. Elmurodova A.A. (2022). Specific Features of the Hemostatic System in Covid-19. CENTRAL ASIAN JOURNAL OF MEDICAL AND NATURAL SCIENCES, 3(2), 82-85.
8. Мелехина Е.В. и др. Клинические особенности течения COVID-19 у детей различных возрастных групп. //Вопросы практической педиатрии. 2020.(2). С. 7-20.
9. С.Г. Худойдодова, Г.А. Арашова, М.К. Нарзуллаева. Пробиотики в лечении лямблиоза //Международный Евроазиатский конгресс по инфекционным болезням. – 2008. том1. №2. - С. 250.
10. С.Г. Худойдодова, М.В. Фармонова. COVID-19 у детей // CENTRAL ASIAN JOURNAL OF MEDICAL AND NATURAL SCIENCES. 2021 183-186
11. С.Г.Худойдодова, М.А.Фарманова Внутритрубные инфекции и их клинико-неврологические проявления у детей раннего возраста //Достижения науки и образования. – 2020. № 5 (59). - С. 60-62
12. М.А.Фарманова, М.Зайнидинова Клинико-эпидемиологические аспекты хронического бруцеллеза // CENTRAL ASIAN JOURNAL OF MEDICAL AND NATURAL SCIENCES. – 2021. С. 70-75
13. Xudoydodova S.G., Features of the course and treatment of laryngitis in measles in young children //New Day in Medicine 1(29)2020 442-444 <https://cutt.ly/ibqdrG8>
14. Elmurodova A.A. (2021). Significance of Clinical Symptoms in Assessing the Severity and Prognosis of the Course of Crimean-Congo Hemorrhagic Fever. CENTRAL ASIAN JOURNAL OF MEDICAL AND NATURAL SCIENCES, 35-37. <https://doi.org/10.47494/cajmn.vi0.344>

Қабул қилинган сана 09.02.2022